

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИ МИКРОМОЛИЯЛАШТИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН МУАММОЛАР

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11403842>

Баратов М.Н.

*Наманган давлат университети мустақил
изланувчиси*

Маматов Б.С.

*Тошкент давлат иқтисодийёт университети
профессори*

Халқаро амалиёт тасдиқлашича, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодийётда юз берадиган турли молиявий-иқтисодий инқирозлар, турли пандемиялар (COVID-19) билан боғлиқ инқирозларнинг салбий таъсирини бартараф этишда энг самарали восита сифатида майдонга чиқади. Хусусан, аҳолини иш билан банд этиш, уларнинг реал даромадларини ошириш, турмуш фаровонлигини яхшилаш, ички бозорни товар ва хизматлар билан тўйинтириш ва бошқа ҳолатларда ғоят муҳим амалий аҳамият касб этади. Бу эса, ўз навбатида, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ривожлантиришга, улар учун қулай бизнес муҳитини яратишга, мазкур субъектларнинг молиявий ресурслардан, банк ва нобанк кредит ташкилотларининг микромолиявий хизматларидан фойдаланиш даражасига ва имкониятларига, давлат томонидан молиявий жиҳатдан фаол қўллаб қувватланишига бевосита боғлиқ бўлади.

Бугунги кунда кичик бизнес субъектларининг банк ва нобанк кредит ташкилотларининг микромолиявий хизматларидан фойдаланиш жараёнида айрим ўзига хос долзарб муаммолар мавжуд. Уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

1. *Кичик бизнес субъектларига тижорат банклари томонидан тақдим этилаётган микрокредитлар фоиз ставкалари даражасининг нисбатан юқори эканлиги.*

Хусусан, 2023 йилда банклар томонидан кичик тадбиркорлик субъектларига берилаётган микрокредитларнинг фоиз ставкаси йиллик 23 фоиздан 48 фоизгачани ташкил қилади (АТБ «Микрокредитбанк»да кичик

бизнес субъектларига берилаётган микрокредитларнинг фоиз ставкаси йиллик 23-28 фоиз, Асакабанкда йиллик 32-34 фоиз, Ҳамкорбанкда йиллик 48 фоизгача). Фоиз ставкаси даражаси, асосан, берилаётган микрокредитларнинг муддати ва миқдорига ҳамда шаклига боғлиқ равишда ўрнатилган. Бундай фоиз ставкалари сезиларли даражада юқори бўлган фоиз ставкалари ҳисобланади.

2. Кичик бизнес субъектларига микромолиявий хизматлар (микроқарз, микрокредит ва микролизинг) кўрсатишида тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ бўлган муаммолар.

Халқаро банк амалиётида банклар депозит базасининг етарлилигини аниқлашда икки усулдан кенг фойдаланилади. Биринчиси, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки экспертлари томонидан тавсия этилган ушбу кўрсаткичнинг энг юқори чегараси 30 фоизни ташкил этиши лозим ва мабодо унинг амалдаги даражаси 30 фоиздан юқори бўлса, унда банкнинг депозит базаси етарли эмас, деб баҳоланади. Иккинчиси, «CAMELS» рейтинг тизими асосида баҳолаш методикаси бўлиб, унга мувофиқ банк депозитларининг умумий ҳажмида асосий (муддатли ва жамғарма) депозитларнинг салмоғи (асосий депозитлар/жами депозитлар*100) камида 75 фоизни ташкил этиши лозим.

Банклар депозит базаси таркибида талаб қилиб олингунча маблағлар салмоғининг юқорилиги маблағлардан тўлиқ фойдаланиш ва микромолиявий хизматлар кўламини оширишга тўсқинлик қилади. «2024 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, тижорат банкларининг жами депозитлари таркибида талаб қилиб олингунча депозитларнинг салмоғи 42,8 фоизни ташкил қилган»[1]. Бундай ҳолат тижорат банклари депозит базасининг етарли эмаслигини кўрсатади ва кичик бизнес субъектларини фаол микромолиялаштириш, уларга турли микромолиявий хизматлар кўрсатиш ҳажмини ошириш нуқтаи назаридан ижобий ҳолатни намоён этмайди.

3. Республикада микромолиявий хизматлар бозорининг етарли даражада ривожланмаганлиги ва унинг кенг қамровли эмаслиги, ушбу хизмат турининг ҳудудлар бўйича номутаносиблиги.

2014-2023 йиллар мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган микрокредитларнинг ЯИМ ҳажмидаги улуши ўртача 1,5 фоизни ташкил қилган. Европа Иттифоқи мамлакатларида микрокредит бозорининг ЯИМ ҳажмидаги улуши 6 фоиздан 16 фоизгачани ташкил этади»[2]. Бундай ҳолат мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини микрокредитлар билан таъминлаш етарли даражада эмаслигини кўрсатади ҳамда микромолиялаштириш бозорининг суст ривожланаётганлигидан далолат беради.

Микромолиявий хизматлар бозорининг кенг қамровли эмаслиги бундай хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар сонининг камлиги ҳам салбий таъсир кўрсатади. Ўзбекистонда 2017-2023 йиллар давомида нобанк кредит ташкилотлари сони 2,2 баробарга ошиб, 2024 йилнинг 1 январь ҳолатига 168 тани ташкил этган. Ҳисоб-китобларга кўра, мамлакатимизда ҳар йили 50-60 мингга яқин кичик корхона ва микрофирмалар ташкил этилмоқда. Бу эса мазкур субъектларнинг микромолиявий хизматларга бўлган талабининг ҳам ўсиб боришига олиб келади. Қайд этиш зарурки, 2022 йилда микромолиявий ташкилотлар сони Хитой Халқ Республикасида 6232 тани[3], Россия Федерациясида 2000 тани[4], АҚШда 400 тани[5], Буюк Британияда 250 тани[6], Қозоғистон Республикасида 243 тани ташкил этган. Хулоса шуки, кичик бизнес субъектларини микромолиялаштириш тизимини ривожлантиришга бундай хизматлар кўрсатувчи нобанк кредит ташкилотларининг сонининг озлиги ҳам жиддий таъсир кўрсатади.

Бир вақтнинг ўзида 2024 йилнинг 1 январь ҳолатига республикаимизда жами нобанк кредит ташкилотларининг асосий қисми, яъни 55,3 фоизи Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида, 18,4 фоизи Фарғона ва Андижон вилоятида, 8,9 фоизи Бухоро вилоятида жойлашган. Қолган 17,4 фоизи республиканинг бошқа ҳудудларига тўғри келади. Бундай ҳолат нобанк кредит ташкилотларининг республика ҳудудлари бўйича номуносиб тарзда жойлашганлигини ва унинг инфратузилмаси яхши ривожланмаганлигини кўрсатади. Бу эса, ўз навбатида, нобанк кредит ташкилотлари фаолияти тараққиётини таъминлаш ва ҳудудларда муносиб ривожлантиришга қаратилган давлат чора-тадбирлари кўрилиши

зарурлигини тақозо этади.

4. Тижорат банклари ва нобанк кредит ташкилотлари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини микромолиялаштиришда муаммоли кредитларнинг мавжудлиги.

Халқаро амалиётда тижорат банклари активларининг сифатини яхшилаш, кредит портфели таркибида муаммоли кредитлар салмоғини камайтириш, кредит портфелини самарали диверсификация қилиш орқали уларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилади. Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, 2022 йилда тижорат банкларининг кредит портфели таркибида муаммоли кредитлар улуши «Европа Иттифоқида 1,9 фоизни, АҚШда 1,8 фоизни, Буюк Британияда 1,6 фоизни ва Канадада 0,9 фоизни ташкил қилган»[7]. Халқаро экспертларнинг тавсиясига кўра, «муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши 3 фоизгача бўлиши бу нормал ҳолат ҳисобланади»[8].

Ўзбекистонда тижорат банклари кредит портфели таркибида муаммоли кредитларнинг салмоғи 2023 йилнинг 1 январь ҳолатига 3,6 фоизни ташкил қилиб, бу кўрсаткич 2012 йилнинг 1 январь ҳолатига нисбатан 0,54 фоизли бандга ошган. Бундай ҳолат тижорат банклари томонидан иқтисодиёт реал секторининг молиявий жиҳатдан фаол қўллаб-қувватланаётганлигини ва кредит қўйилмалар ҳажмининг ўсиб бораётганлигини кўрсатади. Шу билан бирга муаммоли кредитлар салмоғининг ўсиб бораётганлиги, биринчидан, қарз олувчи тадбиркорлик субъектларининг молиявий ҳисоботларини тўғри таҳлил этиш учун малака ва тажрибаси етишмаслиги, кредит таъминотида қўйиладиган талабларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий саводхонлик нуқтаи назаридан чуқур таҳлил этилмай расмийлаштирилиши, кичик бизнес лойиҳаларини молиявий-иқтисодий самарадорлигини пухта таҳлил этиш ва экспертиза қилишдаги муаммолар, қарздор устидан етарлича мониторинг ўрнатилмаганлиги, банк мансабдор шахсларининг ўз ваколатини суистеъмол қилиши ва шу каби омиллар билан боғлиқдир. Иккинчидан, ушбу кредитлар бўйича қўшимча таъминотни жалб қилиш (қўшимча кафолатлар ёки кафиликлар, мол-мулк ёки кўчмас мулк

гарови)нинг таъсирчан чораларини кўриш зарурлигини тақозо этади.

Кичик бизнес субъектларини микромолиялашни такомиллаштириш билан боғлиқ муаммоларнинг ижобий ҳал этилиши: ташкил этилаётган кичик корхона ва микрофирмалар сонини кескин ошириш ва амалдаги корхоналар фаолияти самарадорлигини таъминлаш ҳисобига кичик бизнеснинг мамлакат ялпи ички маҳсулотдаги улушини ошириш имконини беради; янги иш ўринларини барпо этиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш асосида ишсизлар сонини қисқартиришга кўмаклашади камбағаллик даражасини сезиларди даражада камайтиради; республиканинг барча ҳудудларида микромолиявий хизматларга муҳтож бўлган аҳолини тўлиқ қамраб оладиган микромолиялашнинг самарали ва рақобатга бардошли тизимини яратишга имкон яратади; кам таъминланган, бироқ иқтисодий фаол аҳоли қатламини тадбиркорлик фаолиятига кенга жалб этиб, ўз имконияти ва қобилиятларини ишга солади, ўрта мулкдорлар синфини шакллантиради, аҳолининг реал даромадларини ошириб, уларнинг турмуш фаровонлигини яхшилайдди; тижорат банклари ва нобанк кредит ташкилотларининг тадбиркорлик субъектларини микромолиялаш ҳажмларини оширишга имкон беради; кичик бизнес субъектларини микромолиялаш билан боғлиқ ҳуқуқий-меъёрий базани такомиллаштириш орқали аҳолининг микромолиявий хизматларга бўлган эҳтиёжини қондириш, микромолиявий сектор инфратузилмасини барқарор ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшади; давлат бюджети даромадларини шакллантиришда кичик бизнеснинг улушини оширади; пировардида, иқтисодиётнинг барча соҳаларида макроиқтисодий барқарорликнинг мустаҳкамланишига ва барқарор иқтисодий ўсишга замин ҳозирлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. [Markaziy-bank-Statistik-byulleteni-2023-yil-Noyabr.pdf \(cbu.uz\)](#).
2. [Рынок МФО в мире: зарубежный опыт и перспективы развития | РБК Компании \(rbc.ru\)](#)
3. [число микрофинансовых организаций в Китае — Яндекс: нашлось 19 тыс. результатов \(yandex.ru\)](#)
4. [Особенности работы МФО в России и за рубежом \(monetkin.online\)](#)

5. Рынок МФО в мире: зарубежный опыт и перспективы развития | РБК Компании (rbc.ru).
6. Особенности работы МФО в России и за рубежом (monetkin.online)
7. <https://www.worldbank.org/en/topic/smefinance>.
8. Тахиров М.Х. Тижорат банкларида активлар сифатини ошириш йшлари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси Автореферати. – Т.: ТМИ, 2023. – Б. 19-20.

